



У.к. "29" январ

№ 135-К

Samarqand t-p Самарканд

Самарканд туман "Улугбек" кишлоқ фуқаролар йиғини "Хаймари поён" маҳалласи "Гулистон агротехсервис" агрофирмаси ҳудудидан фуқаро Халиков Равшанга тиббий марказ, дорихона, миллий шарқ ширинликлари ишлаб чиқариш, тикув цехи, яхна ичимликлари ва музқаймоқ павилиони қуриш учун ер майдони ажратиш ҳақида.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 26 февралдаги Шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш ҳамда кишлоқ хўжалигига оид бўлмаган бошқа хўжалик учун ер участкалари бериш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари ўтрасида"ги 54-сонли ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 30 августдаги 357 сонли "Тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш учун рўйхатдан ўтказиш тартиблари тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида"ги қарорларни ижросини таъминлаш мақсадида, туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкаларни бериш, (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссияси йиғилишининг 2015 йил 16 январдаги 18 сонли баённомаси, "Қишлоққурилишлойиха" бош лойиха кидирув институтининг 2014 йил 28 ноябрдаги № 11-14/567 сонли баённомаси, Самарканд вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг 2015 йил 16 январдаги 31 сонли хулосаси ва фуқаро Халиков Равшаннинг туман ҳокимлигига берган аризаси ҳамда ишчи гуруҳ томонидан тузилган ер танлаш далолатномасини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси «Ер кодекси»нинг 23 моддасига асосан

#### ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкаларни бериш, (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссияси йиғилишининг 2014 йил 16 январдаги 18 сонли баённомаси ҳамда ишчи гуруҳ томонидан тузилган ер танлаш далолатномаси тасдиқлансин.

2. Самарканд туман "Улугбек" кишлоқ фуқаролар йиғини "Хаймари поён" маҳалласи "Гулистон агротехсервис" агрофирмаси ер харитасининг 210 контуридан фуқаро Халиков Равшанга тиббий марказ, дорихона, миллий шарқ ширинликлари ишлаб чиқариш, тикув цехи, яхна ичимликлари ва музқаймоқ павилиони қуриш учун жами 0,13 га (шундан: 0,13 га туман захирасидаги кишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган) ер майдони ажратилсин.

3. Фуқаро Халиков Равшанга тиббий марказ, дорихона, миллий шарқ ширинликлари ишлаб чиқариш, тикув цехи, яхна ичимликлари ва музқаймоқ павилиони бино иншоотларини қуришдан олдин Ўзбекистон Республикаси «Шаҳарсозлик кодекси»нинг 8,39 ва 54 моддаларига амал қилган ҳолда А.Р.Т. лойиха смета ҳужжатларини тайёрлаб Давлат қурилиш назорат экспертизаси ва назорат инспекцияси рўйхатидан ўтказиш вазифаси юклатилсин.

4. Ўзбекистон Республикасининг «Солиқ кодекси»га асосан ер солиғини ундириш ва 2016 йил 1 январ ҳолатидаги ер балансига ўзгартириш киритиш туман Давлат солиқ инспекцияси (О. Исмоилов) ва Ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими (Ф. Солиев)га топширилсин.

5. Ушбу қарорни бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари К. Қурбонов зиммасига юклансин.

Туман ҳокими

Б. Кадиров